



2013 у.г. «22» апрел

№ 365-К

Самарқанд т, -Самарқанд

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини
“Янгиариқ” маҳалласида “NAVOBOD
CHASHMA QURILISH” хусусий корхонасига
чўмилиш ҳавзаси ва маъмурий бино қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“NAVOBOD CHASHMA QURILISH” хусусий корхонаси туман ҳоқими номига хат билан мурожаат қилиб, “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудидан чўмилиш ҳавзаси ва маъмурий бино қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “NAVOBOD CHASHMA QURILISH” хусусий корхонасига “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласининг бош режасида қурилиши режалаштирилган истироҳат боғи ҳудудидан 0.33 га чўмилиш ҳавзаси учун ҳамда 0.156 га маъмурий бино қуриш учун жами 0.486 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “NAVOBOD CHASHMA QURILISH” хусусий корхонасига чўмилиш ҳавзаси ва маъмурий биноларини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев